УДК: 821.512.133

70-ЙИЛЛАР ЎЗБЕК НАСРИДА ПОЛВОН ОБРАЗИ ФАОЛЛАШУВИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

М.Ж. Исмоналиева

Мақолада ўтган асрнинг 70-йиллари ўзбек насрида полвон образи фаоллашувининг ижтимоий-психологик омиллари ҳақида сўз боради. Саид Аҳмаднинг "Қирқ беш кун" романида водий полвонларининг "Катта Фарғона Канали" қурилишида кўрсатган қаҳрамонликлари ва эл орасидаги обрў-эътибори, Тоғай Муроднинг "Юлдузлар мангу ёнади" қиссасида Сурхон воҳаси полвонларининг миллий анъана ва қадриятларга муносабатига урғу берилишининг сабаблари таҳлил этилади. Полвон образининг ижтимоий-маънавий турғунлик даврида миллий ўзликни англашдаги ўрни ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: *адабий давр, эстетик идеал, бадиий образ, бадиий концепцияси, трилогия, қисса, миллий анъана ва қадриятлар*.

В статье рассматриваются социально-психологические факторы активизации образа борца ("полвон") в узбекской прозе 70-х годов прошлого века. Анализируются причины того, почему в романе Саида Ахмада «Сорок пять дней» делается упор на героические будни борцов Ферганской долины на строительстве Большого Ферганского канала и их авторитет среди населения, а в повести Тогая Мурада «Звезды горят вечно» на отношение борцов Сурханского оазиса к национальным традициям и ценностям.Обсуждается роль образа борца в осознании национальной идентичности в период социально-духовного застоя.

Ключевые слова: *литературный период, эстетический идеал, художественный образ, художественная концепция, трилогия, повесть, национальные традиции и ценности*.

ХХ аср ўзбек адабиёти узоқ йиллар давом этган мутелик, мафкуравий зуғумлар, давр фожиалари ва йўқотишларига қарамай, ютуқлари ҳам салмоқли бўлди. Бу даврда адабиётнинг асрлар давомида етакчи бўлган функцияси ўзгариб, билиш – англаш ва англатиш функцияси диққат марказига чиқди. Шу билан боғлиқ равишда, адабиёт мавзу эътибори билан ҳаётийлик касб этиб, инсон ва унинг дарду дунёси адабиётнинг бош предметига айланди. Таъкидлаш зарурки, бу адабий аср истиқлол даври адабиёти учун том маънода асос вазифасини ўтади. ХХ аср ижодкорларнинг кўп асарлари ўзбек адабиётининг энг нодир намуналари бўлиб қолди. 30-йиллар охирида буржуа миллатчилари сифатида қораланиб, қатл этилган Қодирий, Чўлпон, Фитрат кабиларнинг ижоди кейинги адабий авлодлар учун асрий илҳом манбаига айланди.

Шўро даврида ҳукмрон мафкура маддоҳига айлаган ижодкорлар яратган кўплаб асарлар умрбоқийликка даъво қила олмади. Улар социалистик реализм мафкураси ҳукм сурган қўрқув салтанатида мажбурият ёки англанмаган ғоянинг ёлғончи таассуротлари маҳсули эди. Абдулла Орипов ватанимиз мустақиллиги арафасида "Шарқ юлдузи"даги бир суҳбатда шундай деган эди: "…кичкинтойлигимиздаёқ бизнинг қўлимизга Навоий ёхуд Бедил асарларини эмас, балки бир парча қизил байроқчани тутқазишиб, "Яша, яша!" деган нақоратларни ўргатишган. Бу фожиаларга кимлар айбдор, буни ўзингиз мушоҳада қилаверинг" [3. Б. 158]. Барчанинг бирдек ўйлашини тақозо этган тоталитар сиёсат даврида ҳам чин истеъдодлар ўзбек адабиётининг истибдод даврида қуриб қолишидан сақлаб қолди. Саидаҳмад Ҳусанхўжаев ХХ аср ўзбек адабиётининг ана шундай вакилларидан. 40-йиллар бошида адабиётга кириб келган Саид Аҳмад илк тўплами биланоқ устоз Абдулла Қаҳҳор назарига тушади. Бу назарга тушиш мақсадсиз ёзилган ҳикоялар ҳақидаги дакки-дашномлар бўлсада, ёш қаламкашнинг кейинги ижодий юксалиши учун омил бўлди. Адибнинг қаҳрамонлари халқимизнинг соддадил фарзандлари, улар шўро тузумининг ёлғончи сиёсатига алданган ёки ўзига юклатилган сиёсий вазифани ташув-

чи ўтирик образлар эмас. Бу хусусият Саид Аҳмад ижодининг унга замондош бошқа ижодкорлардан фарқли, айни чоғда, устун жиҳати ҳамдир. Ўзбек полвонлари образи адиб ижодида алоҳида ўринга эга бўлиб, улар ёзувчининг ор-номуси баланд ўзбек киши тимсолига айланган идеалларидандир.

Ўзбек насрида полвон образи яратилишининг ижтимоий-психологик омилларини ёритиш мақсад қилингани ҳолда, шу образ фаоллашган даврдаги ижтимоий-маънавий вазият ва бунинг адиблар ижодига бўлган таъсирини ёритиш даркорки, бусиз кўзланган мақсадга эришиш мушкул. Маълумки, полвонлар кураш ва чавандозлик орқали ўзбек халқининг минг йиллик анъаналарини (1999 йилда 1000 йиллиги нишонланган "Алпомиш" достонида ҳам бевосита кураш саҳнасини кўришимиз мумкин) давом эттириб келмоқдалар. Миллий анъаналар негизида полвонлар ҳаётида ор-номус, ғурур, мардлик тушунчалари қадрият даражасига етган. Уларнинг шахсий фазилатига айланган бу қадриятлар 70–80-йиллар ва кейинги давр ўзбек адабиётида полвон образини *мотив-образ* даражасига олиб чиқди.

1974 йилда "Уфқ" трилогиясининг биринчи китоби сифатида яратилган "Қирқ беш кун" романи ўзбек насрида полвон образи бадиий талқин этилган илк асар саналади. Мамлакат ирригация тарихидаги улкан воқеа бўлган 270 километрлик "Катта Фарғона канали"нинг халқимиз қўл меҳнати билан қирқ беш кун ичида қуриб битказилиши асарнинг асосий сюжетини ташкил қилади. Полвонлар эса тупроқ қазиб, сув очаётган заҳматкаш ўзбек халқининг олди сафида туриб тирик афсоналарга айланишган. Адиб бу воқеаларни ўз кўзи билан кўрган, сураткашликка иштиёқи баланд ёш Саид Аҳмад қурилишда мухбир бўлиб хизмат қилган: "Ўша пайтда республиканинг муҳим қурилиш юз бераётган ҳамма жойига борди: Чирчиқ, Чуст, Бўзсув ГЭСию, Лоғон канали, Фарғона каналию, Фарҳод ГЭСларигача бориб, у ерлардан ихчам хабарларни, пишиқ очеркларни, фотоларни жўнатиб турди... У кўп нарсани ўз кўзи билан кўрди, кўрдигина эмас, ўша воқеаларнинг фаол иштирокчиси бўлди" [8. Б. 119]. Тарихда мисли кўрилмаган ушбу канал ва унда ўзбек халқининг жасорати ҳақида асар ёзишни Саид Аҳмад тарихий зарурат деб билади. Бу нияти канал қурилишидан ўттиз беш йил кейин амалга ошди: "…халқимиз ҳаётида сира унутиб бўлмайдиган буюк бир воқеанинг шу пайтгача керагича қаламга олинмаслиги ёзувчилар зиммасида жуда катта қарз бўлиб ётган эди. Канал иштирокчилари йиллар ўтиши билан озайиб боряпти. Воқеалар хотирада хира торта бошлаяпти" [5. Б. 273]. Муаллифнинг мақсади миллатнинг яқин кечмишидаги буюк меҳнат жасоратини халқ хотирасида қайта жонлантириш ва унинг қаҳрамонлари дунёсини бадиий талқин этиш эди. Адабиётшунос У.Норматовнинг "Уфқ" романи яратилиш тарихи юзасидан Саид Аҳмад билан олиб борган суҳбатида муаллифнинг қуйидаги фикрлари асар воқеалари содир бўлган даврга нисбатан муносабатини кўрсатади: "Иш аниқ режа-лойиҳа асосида бир меъёрда давом этарди. Бу ерда порахўр йўқ. Ичкиликбоз йўқ. Бюрократ йўқ. Гўё қирқ беш кун бу ерда "коммунизм қурилгандек" эди. Овқат текин, иш кийимлари текин. Медицина, маданий хизматлар текин…" [5. Б. 279]. Бу тавсиф даврнинг эмас, аниқ вақт оралиғидаги белгиланган ҳудуд ҳаёти – маъмурий куч-қудрат сунъий яратган "сусамбил" тасвиридир. Бадиий асар ўзи яратилган даври билан ижтимоий-маънавий боғлиқликда воқеланашини назарда тутсак, "70-йилларда ватанимиз ҳаётида қандай вазият ҳукм сурар эдики, у ижодкорни ўзбек халқининг буюк матонати, аҳиллиги тимсолига айланган улкан қурилиш ҳақида ёзишга ундади?" деган савол туғилади.

Совет халқи тарихида (албатта, ватанимизда ҳам) 70-йиллар "турғунлик йиллари" деб ном олган Брежнев даври бўлиб, расмий доираларда ҳамма нарса жойидадек, газета ва журналларда мамлакатнинг ҳар жабҳадаги ютуқлари ҳақида бонг уриларди. Аслида эса реал ҳаётда бунинг акси кузатилиб, мамлакат иқтисодий инқироз арафасида эди: "Ҳатто аниқ муддат ҳам ваъда қилинган – "80-йиллардаги авлод коммунизмда яшайди". Аммо реал воқеликда аҳвол бутунлай бошқача эди. Оғир ва машаққатли меҳнатга қарамай, аҳолининг турмуш даражаси пастлигича қолаётган, ижтимоий-иқтисодий таназзул яқинлашиб келаётган эди" [7. Б. 27]. Бу даврни бевосита бошдан кечирган устозларимиз 70-йилларни шундай хотирлашади: "Бу йиллар турғунлик йиллари деб ном олди. Бу даврда дабдабабозлик, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, давлат ва халқни алдаш, кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш, порахўрлик, юлғичлик, ичкиликбозлик, бефарқлик иллатлари авж олди. Миллий масалаларни ҳал этишда эришилган ютуқлар ортиқча баҳоланди, миллий муносабатлар юзаки, дабдабали талқин қилинди; миллат-

ларнинг, миллий тилларнинг қўшилиб кетиши ҳақидаги сохта шовинистик назария, рус тилининг алоҳида аҳамияти масаласи кенг тарғиб этилди. Оқибатда миллий тилларнинг мавқеи ва истиқболига эътибор сусайди. Халқнинг миллий-маданий қадриятлари, удумлари оёқости қилина бошланди" [6. Б. 58-59]. Саид Аҳмаднинг умри, ижодининг гуркираган йиллари ҳам, асосан, мана шу даврда кечди: у шўро тузуми билан тенгдош ижодкор, 30-йиллар қатағонининг ўтмишдошлари бошига солган фожиаларга гувоҳ, ўзи ҳам "халқ душмани" сифатида йиллар қамоқхонада уқубат тортган адибдир. Шахсга сиғиниш қоралангандан сўнггина оқланиб, қамоқдан қайтган Саид Аҳмад 60–70-йилларда қизғин ижод билан шуғулланади. У шу тузумнинг қурбонига айланган ижодкор ҳамда даврининг онгли кузатувчиси сифатида жамиятнинг бундай тубанлашувига, авж олган ижтимоий иллатларга ўз асарларида жавоб исташи табиий: *"Юсупов қирғиз чолнинг келишидан, Норинда уйи бузилган деҳқонларнинг ҳақ олишдан воз кечиб, уйларини теп-текис қилиб, бузиб ташлаган тракторчиларни калтаклаш ўрнига ғунажин, қўй сўйиб меҳмон қилишларидан ниҳоятда таъсирланиб борарди. Бу сахий халқ билан жуда буюк ишлар қилиш мумкин, бу халқ пул, мол экан-ку, зарур бўлса жонини ҳам аямайди"* [11. Б. 82]. Мамлакат раҳбарларининг меҳнаткашлар билан ҳамжиҳатлигига, уларнинг халқ ичида эканига урғу берилади. Яъни асар ёзилган вақтда танқислашиб бораётган жиҳатларга диққат қилинади.

Канал қурилишида эл бирлашди, шу бирлашиш улкан кучни таъмин этди. Канал қурилиши сафарбарликдек адо этилган, ундан ҳеч ким четда қолмади, ҳатто *"Аёллар рўзғорини ташлаб, бола-чақасининг кир-чирига қарамай тупроқ қазияпти"* [11. Б. 146]. Умумхалқ ҳашарида полвонлар жуда фаол иштирок этишган, улар ўрнак ўлароқ алоҳида тўпланган. Лоғон ва Катта Фарғона канали қурилишида ном чиқарган полвон Дўнан Дўстматов тилидан айтилган гаплар полвонларнинг бу ишга муносабатини умумлаштириб ифода этади: *"Ҳаммамиз дарё бўйида ташна яшаганмиз. Ҳукумат ерингга сув чиқариб бераман, экининг энди сувга ёлчийди, ота-боболаринг ичмаган сувни сен ичасан, бола-чақаларинг ичади, кетмонингни кўтариб чиқ, деди. чиқдим. Мана, ишлаяпман. Агар бошқалардан кўп ишлаётган бўлсам, бу севинганимдан, болаларимнинг ризқини ўйлаганимдан, далаларимга сув чиқишига қувонганимдан бўлса, ажабмас. Менинг-ку, битта жоним бор. Агар ўнта жоним бўлганида ҳам юртга сув бераман деганга бағишлавораман. Гапим шу"* [11. Б. 199]. Бу фикрлар нафақат полвонлар, балки барча ўзбек деҳқонларига хос эди. Шундай ўйлагани учун ҳам деҳқон жамоалари ўзларини астойдил қурилишнинг машаққатли меҳнатига урди, бундай жамоаларнинг олди сафини водий полвонлари банд этади: *"Биз бугун водий полвонларини алоҳида тўпладик. Беш юзга яқин полвон қурилишнинг алоҳида участкаларида ўз кучларини кўрсатишлари керак. Учқўрғон тўғони, Лоғумбек шаршаралари ва ниҳоят, Куйганёр тўғони сиз азаматларнинг билак кучингизга маҳтал бўлиб турипти"* [11. Б. 51].

Полвон деганда кўз олдимизга жисмида куч тўлиб-тошган забардаст инсонлар келади, албатта, бу улар ҳақидаги илк таассуротимиз. Аммо полвонлар халқ орасида фақат билак кучи билан эмас, балки маънавий баркамоллиги, ҳалоллиги, ғурурининг баландлиги билан ҳам обрў-эътиборга сазовор бўлганлар, улар айтган сўз халқ орасида ҳеч қачон ерда қолмаган. Уларнинг эл ичидаги бундай мавқеи аввало юқорида саналган фазилатлари билан белгиланади. Яъни "полвон" ўзига хос шахсий фазилатларни ташувчи сифатида қабул қилинади ва қадрланади, миллий онгда "полвон" концепти шаклланади. Худди шу нарса ижодкорларнинг полвон образи воситасида даврни идрок қилишлари, йўқолиб бораётган қадриятлар соғинчини ифода этишлари учун асос бўлди. 70-йиллар одамларининг сусайган эътиқоди, йўқолиб бораётган ор-номус, оёқости бўлаётган миллийлик, умуман, ижтимоий-маънавий турғунлик даврида ўзбек полвони тимсоли Саид Аҳмад, Тоғай Мурод ва бошқа ёзувчилар ижодида эстетик идеал даражасига кўтарилгани шу билан изоҳланади.

Романда марказий қаҳрамон Азизхон образида муаллиф ўт, олов йигитни тасвирлаган. Адиб уни тизгинсиз Норин дарёсига қиёслайди. Одамлар қирқ беш кунда оғир меҳнат билан жўшқин дарё сувини жиловлаганларидек, Азизхон ҳам мана шу меҳнат жараёнида юртга нафи тегадиган инсонга – полвонга айланади. Роман воқеаларида Азизхон характерида тизгинсизлик, бебошлик кўрилса-да, бу ҳолат уни миллий қадриятлардан, ўзбекчиликдан айро тасаввур этишга олиб келмайди: *"Азизхон дадасига*

бетма-бет келолмасди. Ҳар қандай тўполон қилмасин, ҳар қандай қилиқ қилмасин, дадаси кўзига қараса, шаштидан қайтар, чурқ этиб оғиз очмасди" [11. Б. 15]. Аслида қирқ беш кунлик воқеалар бир инсон тақдирини яратиш, образ характерини шакллантириш учун жуда қисқа муддат. Аммо Катта Фарғона канали водий ҳаётига янги жонланиш олиб киргани каби, муаллиф бу қурилиш натижасида Азизхон учун ҳам янги ҳаёт, тақдир йўлини яратади, ундаги сеҳрли кучни фойдали йўлга (бу ўринда халқни ҳам) сарфлашга ундайди. Энди у роман бошидаги Азизхон эмас, Азиз полвонга айланиб боради. У халқ ичида юрди, унинг оғир меҳнатини кўрди, унга шерик бўлди. Бу йўл пировардида уни ҳақиқий инсонга айлантирди: *"Вазира яна унинг елкасига қўл ташлаб, кўксига бошини қўйди..., Азизхон Лутфиниса хотирасини оёқости қилолмасди. Ҳозир унинг Вазира томонга бир қадам босиши Лутфинисанинг қабрини босиш билан тенг эди. У эҳтирос оловида жизғанак бўлаётган жувонга ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлди: Менга қаранг, ахир мен сизни умидвор қиладиган бирон гап айтмаган бўлсам, нима қиласиз ўзингизни ҳам, мени ҳам қийнаб. Ахир мен азадор одамман"* [11. Б. 215]. Азизхон образида кўрилаётган полвонлик сифатлари, унда шаклланган фазилатлар китобхоннинг роман бошидан қаҳрамонга бўлган самимий меҳрини ҳурмат ва ўрнак даражасига кўтаради. Энди уни юксак шахс қиёфасида кўра бошлаймиз. Қаҳрамон характеридаги бундай ўзгариш билан ижодкор жамиятда инсон асли қандай бўлиши лозимлигини кўрсатишга интилади. "*Азизхон энтикди. Ҳамиша иягини икки кафтига тираб ўтирадиган дардчил онаси, қачон одам бўласан, тентагим, деб нолийдиган дадаси кўз олдида пайдо бўлди. "Аяжоним, дадажоним, мана, одам бўлдим-ку, энди койиманг!" деб қичқиргиси келди"* [11. Б. 234]. Азизхон қирқ беш кун давомида мураккаб тақдир йўлини босиб ўтади, бу қисқа муддат унинг дунёқарашида туб бурилиш ясайди. "Азизхон тақдирини тезлатиш учун ҳар бир дақиқада тўқнашувларга дуч келтирдим. Шу қирқ беш кун ичида у ўлимни ҳам, севгини ҳам, обрўни ҳам, таъналарни ҳам, юрт муҳаббатини ҳам, ота-она меҳрию зорларини ҳам кўрди" [5. Б. 283] деган эди адиб. "Қирқ беш кун"да маънавий камолотга етказилган Азиз полвон образи "Уфқ"нинг кейинги китобларида ҳам унинг ҳаётидаги юксалишларни ҳикоя қилиш тарзида эслатиб турилади. Азизхон образи трилогиянинг умумий бадииятида муаллифнинг идеали мақомида туради.

"Қирқ беш кун" романида Али полвон, Жўра полвон, Эш полвон, Дўнан полвон каби образларнинг характер хусусиятларида ҳам орият, мардлик, ҳалоллик тушунчалари белгиловчи омил саналади. Бу образларнинг ўзбек курашчи полвонлари ичида прототиплари мавжуд бўлиб, Саид Аҳмад бу полвонларни ҳаётда таниган, улар суҳбатида бўлиб, халқнинг уларга бўлган ҳурмат-эҳтиромига гувоҳ бўлган. Масалан, романдаги Али полвон ва Эш полвонлар асли избосканлик полвонлар бўлиб, муаллиф Эш полвонни қаламга олганида тасаввурида Ўсар полвон гавдаланиб турганини таъкидлайди. Ёзувчи полвонлар суҳбатида уларнинг маънавий дунёси, юртда полвонлик юкини кўтариб юришнинг машаққатларини кўрсатиб беради:

"– Мен сизга ишонган эдим, Али ака. Мени-ку йиқитди. Нега сиз дик этиб тура қолмадингиз? Қасдимни оларсиз, деб ўйлаган эдим.

Али полвоннинг жаҳли чиқиб кетди.

– Сира эсинг кирмади, кирмади-да. Полвон деган бировнинг кучига ишониб кураш тушадими ҳеч жаҳонда?!... Мен ҳеч қачон арзон обрў олишга интилмаганман. Енгилишига кўзим етган полвоннинг белини тутмайман. Чоғим келмайдигани билан беллашаман… биринчидан, чарчаган полвонни йиқитиш менинг таомилимда йўқ" [11. Б. 70].

Асарда полвонлик мезонлари миллий анъаналар ва қадриятлар ифодаси сифатида юзага чиққан. Улар, биринчидан, халқнинг тенгсиз қудрати, унинг бирлигини таъминловчи куч сифатида талқин этилади, чунки одамлар номдор полвонлар ортидан эргашар, улардек бўлишга интилар, ўз юртидан чиққан полвонлар билан фахрланардилар. Иккинчидан эса, полвон образи ижодкорнинг бадиий ниятидан келиб чиққан ҳолда, идрок этилаётган норасо жамиятда уларнинг эстетик идеали эди. Шу ўринда ижтимоий-маънавий инқироз учун замин ҳозирлаган сиёсий вазиятга эътибор қаратсак, севимли адибимиз Ўткир Ҳошимов "Авлодларга нима деймиз?" мақоласида: "60–70-йилларда субъективизм, волюнтаризм иллатлари айниқса авжига чиқди. Тезроқ планни ошириб бажара қолсам, тезроқ орден ола қолсам, ном чиқара қолсам, деган ният кўпларнинг шиорига айланди" [4. Б. 154] деган эди. Бундай сохтагарчиликлар иқтисодий муаммоларни чуқурлаштиргани сари, одамлар-

нинг турмуш даражаси янада пасайиб, маданий ҳаёт кўрсаткичлари буткул тушиб кетди. Ўз навбатида бу ҳолат маънавий инқирозга йўл очди. Жамиятдаги шу каби омиллар бу давр адабиёти ижодкорларида инсон қалби ва виждонини тафтиш этиш, жамият ва унда инсоннинг ўрнини маънавий даражасидан келиб чиққан ҳолда таҳлил этиш ҳолатларини кучайтирди. Мавжуд шароитда инсон маънавиятининг такомиллашуви учун эса улар аста-секин жамият онгидан чиқиб бораётган, оёқости қилинаётган миллий анъаналар ва қадриятларни китобхон онгида қайта жонлантиришга ҳаракат қилдилар. "…бу давр зиёлиси энди қадриятлар, анъаналарнинг ўзи инсонга нима қилиш кераклигини ўргата олмаслиги, инсон учун қадриятларни тўғри танлашгина эмас, балки уларни реаллаштириш масаласи ҳам ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини теран идрок эта бошлади" [7. Б. 30]. Саид Аҳмад ижтимоий-маънавий муаммога мос тушадиган ҳаёт материалини қирқ беш кун ичида халқни бир тану бир жонга айлантирган Катта Фарғона канали қурилишидан топди. Бу мавзу ижодкорнинг бадиий ниятига жуда мос тушарди, бундан ташқари, "Қирқ беш кун" романи трилогиянинг иккинчи ва учинчи китобларида танқидчилик камчилик дея баҳолаган баъзи ўринларни "ёпиб кетади". Шу ўринда айтиб ўтмоқ жоизки, ушбу роман яратилган даврда ҳам мунаққидлар канал қурилишида меҳнат можаролари билан боғлиқ очилмай қолган ўринларни камчилик сифатида кўрсатадилар. Адиб эса асар юзасидан бўлаётган бундай фикрларга жавобан, юқорида айтиб ўтилганидек: "…гўё қирқ беш кун бу ерда коммунизм қурилгандек эди" [5. Б. 279] дея киноявий муносабатини билдиради. Аслида, Саид Аҳмад романда канал қурилиши билан боғлиқ можароларни тафтиш қилишни эмас, балки халқимизнинг шижоати ва аҳиллигини кўрсатишни мақсад қилган ва бу мақсадига тўла эришган. Масаланинг яна бир томони эса, 50-йилларда қатағон сиёсатининг иккинчи тўлқинига дучор бўлган адиб 5 йил "қамоқхона нони"ни татиди. Шахсга сиғиниш фош этилгандан сўнг, 1955 йилдагина у оқланади. Бу воқеалар бир инсон учун гўр оғзидан қайтиб келишдек гап. Албатта, бу воқеалар адибнинг кейинги ижодий фаолиятига таъсир этмай қолмади, унинг кейинги ижодида сиёсий воқеалардан бироз бўлса-да ўзини четда тутиш ҳолатини кузатиш мумкин. Аммо буни адиб ижодига қўрқувнинг соя солиши деб тушунмаслик керакки, жамиятда шовинистик назариялар авж олаётган, миллий анъаналар топталаётган, "катта оға"га қайта сиғиниш кучайган даврда "Уфқ" трилогиясида Икромжон, Тоға, Умматали, Азизхон, Али полвон, Эш полвон каби миллий қиёфаларнинг яратилиши, улар тимсолида миллатимизнинг қадрият ва анъаналарининг улуғланиши ҳам улкан матонат эди.

"Қирқ беш кун" романидан сўнг, 1976 йилда яратилган Тоғай Муроднинг "Юлдузлар мангу ёнади" қиссаси ёзувчининг такрорланмас истеъдодини кенг жамоатчиликка намоён этди, асар ўзи 70-йиллар шароитида ўзгача ҳодиса бўлди. Унинг фаққулодда ҳодиса бўлганини шундан ҳам билса бўладики, адабий танқид у ҳақда сўз демоққа бир муддат ожиз қолди. Таниқли муҳаррир Маҳмуд Саъдий ўз хотираларида бир неча адабиётшуносларга бу қисса ҳақида тақриз ёзишни таклиф этгани, аммо бирор мунаққиддан жўяли фикр чиқмагани ҳақида эслайди. "Юлдузлар мангу ёнади" қиссаси ўз даврининг бадиий янгилиги эди, у ўзига хос янги таҳлил ва талқинни талаб этарди. Тоғай Мурод шахсига тўхталганда, унга замондош ижодкорлар, дўсту биродарлари томонидан энг кўп берилган таъриф – "бошқача инсон" сифатидир. Таърифловчилар Тоғай Мурод шахсияти ҳақида такрорланмас фикр айтишни хоҳлаганлари ҳолда, гап унинг яна ўзига хос шахсияти, ростгўйлиги, юксак ғурурига бориб тақалаверади. Адиб ижодини кузатсак, унинг қаҳрамонлари ҳам ўзидек: бошқача, ростгўй, ғурури баланд. "Юлдузлар мангу ёнади" қиссаси қаҳрамони Бўри полвон ҳам муаллифнинг ана шу хислатларидан маънавий озиқланган. Бу асар ўзлигини, қадрини, ҳурлигини соғинган миллатнинг нидоси бўлиб янгради, узоқ йиллар адабиёт тилига келмай қолган ўзбеклик, миллийлик, урф-одатлар, анъаналар ҳақидаги оҳанрабога айланди. Одамлар қалби ҳам бундай куйни соғинган экан, унга жон қулоқ бериб тингладилар, бу китобни қайта-қайта мутолаа қилдилар, кўп полвонлар ушбу асарда ўз шахсини кўргандек бўлиб, адибга ташаккурлар айтди. "Қирқ беш кун" романидаги ўзликни, ўзбекликни қўмсаш ҳисси "Юлдузлар мангу ёнади" қиссасида ўтли соғинч бўлиб отилиб чиқади. Саид Аҳмад асардаги полвонларнинг мардлигидан, ҳалоллигидан тўлқинланиб: "Ана ўзбек полвонлари, ана!"– дея ғурурланган эди. Ёзувчининг бундан кейинги асарлари ҳам эътибор, эътироф топди, аммо бу қисса Тоғай Муродни бадиий ижодда юксалтирган, уни танитган асар бўлиб қолди. У йилнинг энг

яхши қиссаси бўлди. Бундан ташқари бу асар ўзбек курашининг тараққийсига хизмат қилди, қиссада кураш саҳнаси билан боғлиқ атамаларга бугун халқаро олимпиада мусобақаларига киритилган миллий курашимизда ҳам амал қилинади. Асарда асл полвон ва полвонлик қандай бўлиши кераклиги кўрсатиб берилди. Курашчи полвонлар асарни қайта-қайта ўқиб чиқиб, ундан руҳий-маънавий тарбия олишади: *“Полвон ўзини уч балодан асрасин, энг биринчиси – аёлбозлик! Отагинам, ёшим ўттизга етибдики, оёғимни қийшиқ босмадим, ҳаромҳариш йўлларга юрмадим. Ҳали уйланмадим ҳам. Иккинчиси – ичкиликбозлик, дердингиз. Отагинам, мен ҳалигача оғзимга ароқ олмадим. Ундан ҳазар қиламан. Учинчиси – полвон ўзини нафс балосидан асрасин, дегувчи эдингиз. Отагинам, мен мол-дунё учун олишмадим. Мол-дунё ҳирсидан ўзимни ҳамиша сақладим”* [12. Б. 57–58]. Бу сўзларни полвонлар дастуруламалга айлантиришди. Бунда фақат полвонларнинг эмас, балки адибнинг асл ўзбек эр кишиси қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги орзулари ҳам мужассам бўлган эди.

Қиссада Сурхон полвонларининг ҳалол ҳаёт тарзи, улар учун ҳар недан устун турувчи орият, мардлик тушунчаларининг бадиий талқинига кенг ўрин берилган. Полвонлар образи аждодлар меросини, халқнинг миллий қадриятларини авлодларга етказувчи инсонлар сифатида кўрилади. Бу Бўри полвоннинг ўй-хаёллари – ички монологида ёрқин кўринади:*“Халқ нимаси билан халқ? Ота-бобосидан қолган миллий анъаналари билан халқ! Кўпчилигини бировлар… бировлар… бировлар ўзиники қилиб олди. Биз қўлимизни бурнимизга тиқиб қолдик. Шундай кета берсак ҳадемай ўзимизниям бой бериб қўямиз”* [12. Б. 45]. Бу сўзлар муаллифнинг юз йиллар давомида мустамлака қаддини буккан, ўзлигини-да бой бериб қўяётган халқнинг фожеий тақдиридан юзага келган қалб фарёди бўлиб янграйди. Фарзандларнинг, келажак авлоднинг қалб тарбиясига доир юқори эмоционалликка эга қуйидаги сўзлар эса асарнинг бадиий концепциясида асосий ўринни эгаллайди: *“Авлодлар алмашган сайин... “Ё пирим-э, туф-туф-туф... Юрак йўқолиб боряпти! Фарзандлар ҳаётга бепарво қарайди. Мусибат билан хурсандчиликнинг фарқига бормайди. Фарзандлар ўзлари минаётган машинага ўхшайди. Одам киму, машина ким – билиб бўлмай қоляпти”* [12. Б. 45]. Асарда Бўри полвон образида тасвирланаётган юксак инсоний фазилатлар, қишлоқ одамлари турмушида кўрилаётган меҳр-оқибат, урф-одат ва миллий қадриятларга содиқлик фақатгина носирнинг қишлоқ ҳаётини қўмсашу соғинишидан иборат бўлмай, балки 70-йиллар ижтимоий шароитида халқ руҳиятидан кўтарилиб бораётган “миллий ўзлик тушунчаси”ни унга қайтаришдан ҳам иборат эдики, бу ғоя оммавий маданият хуружи кучайиб бораётган бугунги даврда ҳам инсон тарбияси учун аҳамиятлидир.

Қаҳрамоннинг мавжуд ижтимоий давр ва руҳий дунёсидаги ҳолатини очиб бериш, бу ҳолатга китобхон муносабатини шакллантириш, воқеалар асносида қаҳрамон онги ва қалбида содир бўлган ўзгаришларни тасвирлаш қисса жанрининг асосий хусусиятларидан биридир. Бўри полвон ҳам мавжуд муҳит билан муносабатда ўзлигини англаш ва уни сақлаб қолишга уринаётган инсон, зеро, “...ўзбек насрининг 70-йиллар авлоди вакиллари асарларидаги энг муҳим муаммо инсоннинг ўз-ўзини англаши ва ўзлигини намоён этиши масаласи бўлиб қолди” [7. Б. 31]. Айни чоғда, бу образ насримизда асл инсон шахсияти қандай бўлиши кераклигини ифодалаб берган идеал даражасидадир. Бўри полвон, аввало, ўзига, фарзандига, муомаладаги бошқа одамларга талабчан инсон. У миллий анъаналар, урф-одатлар халқ бирлиги, миллат яшовчанлигини таъминловчи асосий омил, деб билади. Тоғай Мурод ушбу образ орқали ўзбек адабиётида шаклланиб қолган “советча қолиплар”ни бузиб чиқди, унга миллий руҳ ва миллий қиёфаларни қайтарди. Қиссада полвонларнинг кураш саҳналари тасвири жуда жонли ва ишонарли яратилган, китобхон бу ўринларда ўзгача кўтаринкилик ва ишқибозликни туяди. Адибнинг ўзи ҳам асли курашчи полвон эканлиги, полвонлик мезонлари асосида тарбия топганлиги қиссада ишонарли саҳналарни яратиш ва унинг кейинги муваффақияти учун асос бўлган.

70-йиллар ўзбек насрида майдонга келган полвон образи ўзида халқимизнинг чинакам миллий қиёфасини, қадрият ва анъаналарнинг давомийлигини намоён этади. Бу, биринчидан, ана шу даврдаги турғун ижтимоий-психологик вазият билан боғлиқ бўлса, иккинчидан шу давр таъсирида юзага келган адабий жараён билан боғлиқдир. Шу жиҳатдан келиб чиққан ҳолда, Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёна-

ди” қиссаси ўзбек насрида полвон образининг такомилидаги “Қирқ беш кун”романидан кейинги асар саналади. Бу икки асарнинг яратилиш даврининг оралиғи ҳам анча қисқа бўлиб, ўз вақтида “Юлдузлар мангу ёнади” қиссаси Саид Аҳмад эътирофига сазовор бўлган. Бир адабий даврнинг икки машҳур асарида полвонларнинг бош қаҳрамон сифатида танланиши ҳам юқоридаги фикримизни, яъни ахлоқ мезонлари бузилиб, ижтимоий-маънавий жиҳатдан тубанлашиб бораётган жамиятда полвонларнинг маънавий етуклиги, ҳалол ҳаёт тарзи ноёб ҳодисага айланиб бораётганини тасдиқлайди. Ижодкор бу образ воситасида даврнинг ижтимоий-психологик эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилади. Бу асарларда водий ва воҳа полвонлари ҳаёти, қалб кечинмалари, жамиятдаги ижтимоий мавқеи талқинига кенг ўрин берилади. Демак, насримизда полвон образининг яратилиши ўз тарихий, ижтимоий-руҳий асосларига эга. Полвонлар юртнинг олди фарзандлари сифатида эл орасида катта обрў-эътиборга сазовор бўлганлар, бу эса уларнинг бадиий адабиётда ҳам ижодкор томонидан идрок этилаётган мавжуд ижтимоий-маънавий даврда характер даражасига кўтарилишига асос бўлган.

Адабиётлар:

1. *Қуронов Д*. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2018. – 480 б.
2. *Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М*. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – 400 б.
3. *Жабборов А*. Умр қисқа, қарз эса катта... // Шарқ юлдузи, 1991. – №4. – Б. 154-158.
4. *Ҳошимов Ў*. Авлодларга нима деймиз? // Шарқ юлдузи, 1988. – №2. – Б. 152-162
5. *Норматов У*. Танланган асарлар. – Тошкент: Шарқ, 2021. – 592 б.
6. *Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Шарафиддинов О*. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – 544 б.
7. *Шералиева М*. Ҳозирги ўзбек насрида киноя. – Тошкент: Академнашр, 2016. – 224 б.
8. *Фозилов Н*. Устозлар даврасида. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – 240 б.
9. *Шарафиддинов О*. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 640 б.
10. *Қуронов Д*. Талқин имконлари. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015. – 88 б.
11. *Аҳмад, Саид*. Уфқ. – Тошкент: Сано-стандарт, 2016. – 640 б.
12. *Мурод, Тоғай*. Юлдузлар мангу ёнади. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 92 б.

SOCIAL-PSYCHOLOGICAL FACTORS OF THE ACTIVATION OF THE IMAGE OF THE WRESTLER IN THE UZBEK PROSE IN THE 1970s

M.J. Ismonaliyeva[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 7(67). 63-70.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: literary period, aesthetic ideal, artistic image, artistic concept, trilogy, story, national tradition and values.

The article gives information about the socio-psychological reasons for the activation of the image of a wrestler in Uzbek prose of the 70s of the last century. Said Ahmed's novel ‘Forty-five days’, created in 1974 as the first book of the ‘Horizon’ trilogy, is considered the first work in which the image of a wrestler is artistically interpreted in Uzbek prose. The novel describes the completion of the 270-kilometer ‘Big Fergana Canal’, which developed the country's irrigation system, in forty-five days with the manual labor of our people, and the valiant work of Uzbek wrestlers. The heroism of the young and innocent Aziz Khan during the construction of the canal, the events he experienced in the way of gaining the respect of people, becoming known as a wrestler in the

country, and realizing his identity are artistically interpreted. In addition, the worldview of famous wrestlers such as Ali wrestler, Esh wrestler, Donan wrestler, their wrestling criteria is based on the national-spiritual values of our people, and the role of this in the spiritual maturity of the individual is important in the artistic idea of the work.

Togai Murad's short story 'Stars burn forever' is a sequel to the novel 'Forty-five Days' in Uzbek prose, with the image of a wrestler. In the story, the honest way of life of Surkhan's wrestlers, the concepts of virtue and bravery, which are above all for them, are given a lot of space. The high human qualities depicted in the image of the main character of the story, Bori wrestler, kindness, traditions and loyalty to the national values of the village people are not only the writer's longing for the village life, but also the awareness of the national identity rising from the nation's psyche and returning it to the people.

The choice of wrestlers as main characters in two famous works of the same literary period is related to the socio-spiritual stagnant situation of our country in the 70s. Moral maturity of wrestlers, loyalty to national values and their honest way of life was becoming a unique phenomenon in a society where moral standards were broken and social-spiritual decline. Wrestlers are seen as people who convey the heritage of ancestors, the values of the people to generations, they show the true national image of our people, the continuity of values and traditions, creators try to satisfy the socio-psychological needs of the time through the image of a wrestler. In these works, the interpretation of the life of valley and oasis wrestlers, emotional experiences, and social status in society is given a lot of space.

So, the creation of the image of a wrestler in our prose has its own historical and socio-psychological foundations. The wrestlers, as the first children of the country, were highly respected among people, which brought them to the level of aesthetic ideal in the current socio-spiritual period perceived by the writer.

References:

1. Quronov, D. (2018). *Adabiyot nazariyasi asoslari* [Fundamentals of Literary Theory]. Tashkent: Akademnashr.

2. Quronov, D., Mamajonov, Z., Sheraliyeva, M. (2010). *Adabiyotshunoslik lug`ati* [Dictionary of Literary Studies]. Tashkent: Akademnashr.

3. Jabborov, A. (1991). Umr qisqa, qarz esa katta... [Life is short and debt is big...]. *Sharq yulduzi*. 4. Pp. 154-158.

4. Hoshimov, O'. (1988). Avlodlarga nima deymiz? [What do we say to generations?]. *Sharq yulduzi*. 2. Pp. 152-162

5. Normatov, U. (2021). *Tanlangan asarlar* [Selected works]. Tashkent: Sharq.

6. Karimov, N., Mamajonov, S., Nazarov, B., Normatov, U., Sharafiddinov, O. (1999). *XX asr o'zbek adabiyoti tarixi* [History of Uzbek literature of the 20th century]. Tashkent: O'qituvchi.

7. Sheraliyeva, M. (2016). *Hozirgi o'zbek nasrida kinoya* [Irony in modern Uzbek prose]. Tashkent: Akademnashr.

8. Fozilov, N. (1988). *Ustozlar davrasida* [In the circle of teachers]. Tashkent: Yosh gvardiya.

9. Sharafiddinov, O. (2004). *Ijodni anglash baxti* [The happiness of realizing creativity]. Tashkent: Sharq.

10. Quronov, D. (2015). *Talqin imkonlari* [Interpretation capabilities]. Tashkent: Turon zamin ziyo.

11. Ahmad, S. (2016). *Ufq* [Horizon]. Tashkent: Sano-standart.

12. Murod, T. (1980). *Yulduzlar mangu yonadi* [The stars burn forever]. Tashkent: Adabiyot va san'at nashriyoti.

Муаллиф ҳақида маълумот:

ИСМОНАЛИЕВА Маҳбуба Жабарали қизи – Андижон давлат университети Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси таянч докторанти. E-mail: mahbubaismonaliyeva94@mail.ru